



ҚУЁНЛАР ЧУВАЛЧАНГСИМОН ЎСИМТАСИ ЛИМФОИД ТУГУНЧАЛАРИНГ ХУЖАЙРАВИЙ ТАРКИБИ

Бойкузиев Х.Х., Исмоилова Н.А.

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети.

✓ Резюме

Ушбу мақолада қуёнларда аппендикуляр ўсимтаси лимфоид тугунчаларининг хужайравий таркибий қисмлари ўрганилган. Мақсадга эришиш учун умумгистологик, иммуногистокимёвий ва люминесцент-гистокимёвий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди. Тадқиқот натижасида қуёнларда аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугунчаларининг хужайравий таркиби В ва Т лимфоцитлар, макрофаглар, эндокрин ва эпителия хужайраларидан иборат. Лимфоид тугунчаларнинг турли қисмларида бу хужайраларнинг нисбати бир хил эмас.

Калит сўзлар: лимфоид тугунчалар, хужайра таркиби, аппендикуляр ўсимта.

КЛЕТОЧНЫЙ СОСТАВ СТРУКТУРНЫХ КОМПОНЕНТОВ ЛИМФОИДНЫХ УЗЕЛКОВ АППЕНДИКУЛЯРНОГО ОТРОСТКА У КРОЛИКОВ

Бойкузиев Х.Х., Исмоилова Н.А.

Самаркандский Государственный Медицинский Университет

✓ Резюме

В данной статье изучено клеточные компоненты лимфатических узелков аппендикулярного отростка у кроликов. Для достижения цели использованы общегистологические, иммуногистохимические и люминесцентно-гистохимические методы исследования. В результате проведённого исследования определён клеточный состав лимфоидных узелков аппендикулярного отростка у кроликов. Она состоит из В и Т-лимфоцитов, макрофагов, эндокринных и эпителиальных клеток. Соотношение этих клеток в различных зонах лимфоидного узелка не одинаково.

Ключевые слова: Лимфоидные узелки, клеточный состав, аппендикулярный отросток.

CELLULAR COMPOSITION OF STRUCTURAL COMPONENTS OF LYMPHOID NODULES OF THE APPENDICULAR PROCESS IN RABBITS

Boykuziyev H.H., Ismailova N.A.

Samarkand State Medical University

✓ Resume

In this article, the cellular components of the lymph nodes of the appendicular process in rabbits have been studied. To achieve the goal, general histological, immunohistochemical and luminescent histochemical research methods were used. As a result of the study, the cellular composition of lymphoid nodules of the appendicular process in rabbits was determined. It consists of B and T lymphocytes, macrophages, endocrine and epithelial cells. The ratio of these cells in different areas of the lymphoid nodule is not the same.

Key words: Lymphoid nodules, cellular composition, appendicular process.

Долзарблғи

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, лимфоид тугунчаларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида антиген структураларнинг мавжудлиги катта рол ўйнайди [1,3,4,5,6,7]. Ошқозон-ичак йўли организмнинг ташқи ва ички муҳити чегарасида жойлашгани учун, кун давомида ташқи муҳит ва микроорганизмлар (микроблар, вируслар ва гижжалар) таъсирига

кайта-кайта дуч келади. Бунинг натижасида овқат ҳазм қилиш йўли иммун тизими яхши ривожланган. Илмий адабиётларда сут эмизувчилар ва одамларнинг овқат ҳазм қилиш йўли лимфоид тугунчаларининг тузилиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишлар жуда кўп [1,2,3,4,5,6,7]. Аммо, озуқа тури ва ҳаёт тарзи турли хил бўлган сут эмизувчиларнинг чулчангсимон ўсимтаси лимфоид тугунчаларнинг морфологияси етарлича ўрагилмаган.

Тадқиқот мақсади: қуёнларда аппендикуляр ўсимтаси лимфоид тугунчаларининг хужаёравий таркибий қисмлари ўрганиш


Материал ва усуллар

Бизнинг тадқиқотимизга 10 та етук ёшдаги қуёнларнинг аппендикуляр ўсимталари материал бўлиб хизмат қилди. Қуёнларнинг аппендикуляр ўсимтасидан тайёрланган препаратлар умумгистологик, иммуногистокимёвий ва луменисцент-гистокимёвий усуллар билан бўялди.

Натижа ва таҳлиллар

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, сут эмизувчиларда овқат ҳазм қилиш йўли лимфоид тугунчалари тўртта асосий зонага: гумбаз, тож, герминатив марказ ва Т-зонага бўлинади. [1,2,3,4,5] Ҳар бир зонада лимфоцитларнинг икки тури (Т ва В) мавжуд. Морфологик жиҳатдан Т-лимфоцитлар марказда жойлашган ядро ва кўп миқдордаги гетерохроматин мавжудлиги билан ажралиб туради. Митохондриялар, эркин рибосомалар ва донатор эндоплазматик тўрлари кам. Иккинчи турдаги (В) лимфоцитларда эркин рибосомалар деярли йўқ, эндоплазматик тўр цистерналари кенгайган. Аппендикуляр ўсимта лимфоид тугунчаларининг Т-зонасида биринчи турдаги (Т) хужайралар энг кўп учрайди. Тугунчаннинг герминатив марказида, унинг тиник ва периферик зонасида иккинчи турдаги (В) хужайралар устунлик қилади. Гумбаз ва тож зонасида лимфоцитларнинг ҳар иккала турини учратиш мумкин. В-лимфоцитларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг мембрана юзасида иммуноглобулинларнинг мавжудлиги. В-лимфоцитларнинг хужайра мембранаси юзасида тахминан 65% Ig сақлайди. Тадқиқот натижасида лимфоцитлар умумий сонининг 50% га яқини В-лимфоцитларга ва 15% Т-лимфоцитларга тегишли эканлиги аниқланди. Хусусан, мембрана юзасидаги IgA миқдори тахминан 15% ни ташкил қилади, IgE ва IgG шунга яқин. Лимфоцитлар умумий сонининг тахминан 35% да хужайра мембранаси юзасида IgM жойлашган. Маълумки, плазмоцитларга дифференциалланувчи В-лимфоцитлар IgM ни бошқа лимфоцитларга нисбатан эртароқ синтез қила бўшлайди [1,3,5]. Қуёнлар аппендикуляр ўсимтаси лимфоид тугунчаларининг хужаёра юзасидаги IgM сақловчи хужайралар асосан тож, гумбаз зоналарида ва герминатив марказда нисбатан камроқ жойлашган. Гумбаз, тож ва герминатив марказнинг топографик яқинлиги морфофункционал бирлиكنинг мавжудлигидан далолат беради. Бу эса хужайраларнинг миграциясида ифодаланиши мумкин.

Қуёнлар аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугунчаларининг, герминатив зонасининг В-лимфоцитлари бир неча кичик ядрочаларга эга. Улар бу морфологик хусусиятлари билан Т-лимфобластлардан фарқ қилади. Герминатив марказнинг В-лимфоцитлари юқори митотик фаоллиги билан ажралиб туради. Қуёнларда аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугунчалари Т-зонасида Т-лимфоцитлар В-лимфоцитларга нисбатан бир неча марта кўп бўлади. Қуёнлар аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугунчаларида Т- ва В-лимфоцитлардан ташқари макрофаглар ҳам мавжуд. Уларнинг цитоплазмасида бактериялар, интенсив равишда бўялган ўлик хужайралар қолдиқлари мавжуд. Фаол макрофаглар герминатив марказда ҳам кўп учрайди. Люминесцент-гистокимёвий текшириш усули билан текширилганда, тугунлар чегарасида биоген аминларнинг гранулаларини сақловчи холинергик ва адренергик нерв толалари билан яқин ҳолатда эндокрин хужайралари ҳам аниқланди. (АПУД хужайралари).



Расм. 1 Қуёнларнинг аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугуни.
1. Гумбаз зонаси. 2. Тож зонаси. 3. Т-зона. 4. герминатив марказ.
Гематоксилин-эозиннинг билан бўялган. Об.10/0.25 160/0.17. Ок 10


Қуёнларда аппендикуляр ўсимтасининг лимфа тугунчаларида лимфоцитлар жойлашуви % ҳисобида.

1-Жадвал

№	Ўрганиш объекти	Лимфоцитлар миқдори	Ig	Шу жумладан					
				B	T	IgM	IgA	IgE	IgG
1	Чувлчангсимон ўсимта	100%	65%	50%	15%	30%	1,5%	1,5%	1,5%

Аппендикуляр ўсимта лимфа тугунчаларида лимфоцитлар турлар

Гистограмма №1.



Хулоса

Қуёнлар аппендикуляр ўсимтасининг лимфоид тугунчаси тож қисми қопловчи эпителий билан қопланган, унда Т ва В лимфоцитлар, макрофаглар ва биоген аминларнинг гранулаларини сақловчи хужайралар жойлашган. Лимфоид тугунчаларнинг турли соҳаларида уларнинг нисбати бир хил эмас.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Афанасьев Ю.И., Ноздрин В.И., Субботин С.М. Лимфатический узелок аппендикса //Архив. АГ и Э. Ленинград 1983. Т-85. №8. 73-82 бет.
2. Djurakulov B.I., Ismailova N.A., Boykuziyev K.Kh., Kurbonov Kh.R. Relationship of the neuroimmunoendocrine system of the small intestine and the appendicular process //New Day in Medicine 5(37)2021 46-47 <https://cutt.ly/kTE1djin>
3. Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д., Юлдашев У.А. Иммунные структуры тощей кишке млекопитающих животных. // Проблемы биологии и медицине. 2017. №1. 174-176 бет.
4. Хаитов Р.М., Пинегин Б.В. Иммунная система желудочно-кишечного тракта: особенности строения и функционирования в норме и патологии. // Иммунология. Москва. 1997 №6. 4-7 бет.
5. Юлдашев А.Ю., Каххоров З.А., Юлдашев Ж.А., Абдукаримова Н.У. Возрастные особенности строения лимфоидных узелков тонкой кишки у крыс. // Мед Журнал Узбекистана. 2006. №1 72-77 бет.

Қабул қилинган сана 09.03.2022